



**“БҮЮК ТУРКМАН ШОИРИ “МАХТУМҚУЛИ” БАДИЙ ФИЛЬМИ
ХАМКОРЛИК САМАРАСИДИР”**

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти


Режиссура: кино ,телевидение режиссёрлиги йўналиши,

1- курс магистранти

Абдурасулова Хилола Ихтиеровна

Аннотация: Уибу мақолада Маҳтумқули Фироғий ҳаёти ва ижодига бағишиланган тарихий бадиий фильмининг суратга олиши жараёнлари ҳамда ўрганилган тажриба ва иш жараёнидаги холосалар ёритилади. 2024-йил 19-февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюк туркман шоири ва мутафаккири Маҳтумқули Фироғий таваллудининг 300 ийлигини кенг нишонлаш тўғрисида қарори қабул қилинган эди. Суратга олинган фильм уибу қарор ижросини таъминлаши мақсадида амалга оширилди.

Калит сўзлар: шоир, санъат, тирик тарих, кино, ҳамкорлик, сценарий, масвирга олиши жараёни, босқич, ижодий жамоа, актёр, тажриба.



Сүнгги йилларда тарихий мавзуда фильмлар яратишга алоҳида эътибор берилябди. Тарихни сода ва тушунарли тилда халққа етказиб беришда кинонинг ўрни катта. Шу маънода ўзбек киноижодкорлари туркман хамкаслари билан хамкорликда шоир Махтумқули ҳаёти ва ижодига бағишлиланган фильмни яратишга киришдилар. “**Махтумқули** ([туркманча](#): *Магтимгули Пираги*; [форсча](#): مخدومقلی فراغی, *Mahmud Makhmudkuli Farooyi*); 1724, Гурган дарёси соҳилидаги Ҳожи-говшан қишилог‘и – 1807) – туркман шоири ва мутафаккири.”¹

Бу йил Ўзбекистонда туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллиги кенг нишонланиши режалаштирилган.

“Махтумқули Фироғий нафақат туркий халқлар, айни пайтда жаҳон адабиёти ва маданияти тарихида алоҳида ўрин эгаллаган атоқли шоир ва мутафаккирдир”.²

Сўз санъаткорининг чукур асарлари мард ва матонатли, меҳнаткаш туркман халқининг эзгу қадриятлари ва олижаноб фазилатларини тараннум этиши, ҳамиша халқ билан ҳамдард бўлишга, турли миллат ва элатлар ўртасида

¹ Википедия.org сайти

²Lex.uz сайти



ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган мазмун-моҳияти билан барча учун ибрат намунасиdir.

Ўзбекистон туркман шоири Махтумкули асарлари кўп нашр этиладиган мамлакатлардан бири ҳисобланади. У Хивадаги машҳур Шерғозихон мадрасасида таҳсил олган, Буюк мутаффаккир Алишер Навоийни ўзига устоз санаган.

Юбилей байрами доирасида шоир Махтумкулининг танланган асарлари, унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишиланган илмий мақолалар тўпламини нашр этиш, Хивада “Махтумкули ижодининг ўзбек адабиёти ва санъатида тутган ўрни” мавзусида халқаро илмий конференция режалаштирилган. Шоир ижоди мўйқалам усталарини ҳам ўзига жалб этгани боис пойтахтда ўзбек ва туркман халқларининг дўстлик ва қардошлиқ алоқалари ҳақидаги тасвирий санъат асарлари кўргазмаси бўлиб ўтади. Шунингдек Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида спектакль сахналаштириш Ўзбекистон ва Туркманистон киноижодкорлари ҳамкорлигида бадиий фильм ва устида иш олиб бориляпти. Фильм Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази ва Огусхан номидаги “Туркманфильм” киностудияси ҳамкорлигида фильмни яратиш вазифаси постановкачи режиссёр Музafferхон Эркинов зиммасига юклатилди.





Шу йилнинг 24-29-март кунлари Огусхан номидаги “Туркманфильм” киностудияси раҳбарияти таклифига биноан режиссёр Музатфархон Эркинов бошчилигидаги ижодий гурӯҳ Ашхабад шаҳрида бўлиб ўтган “Туркман диёри-цивилизациялар маркази” медиа форумида қардош миллат киноижодкорлари мазкур фильм устида ҳамкорликда ишлаш бўйича келишиб олишди. Фильм бўйича тайёргарлик жараёнлари бошланиб, съёмка га мўлжалланган локациялар, бош қаҳрамон образи учун туркман актёrlарининг видеосиновларини ўтказиб, либослар, реквизитлар билан танишди.



Фильмда Махтумқули Фироғийнинг Бухоро ҳамда Хивада ўтказган ҳаёти ҳам акс этади.. Шунинг учун фильм ижодкорлари Бухоро шаҳрида бўлиб, Кўкалдош, Нодир Девонбеги, Улуғбек, Абдулазизхон мадрасалари, Минораи калон, Масжиди калон, Мир араб мадрасаси, Чор Бакр мажмуаларида бўлиб, суратга олинажак қўшимча локациялар билан танлашди.






Мазкур фильмнинг сценарийси хамкорликда ёзилиши ҳам эътиборли.

Туркман кинодраматургларидан Оре Дашибинов, Раҳимберди Аннагулиев, ўзбек сценаристларидан Рустамжон Жабборов, Муқаддас Усмоновадан иборат тъандем фильмнинг муваффақиятли яратилишига замиш бўлса ажабмас.

Фильм қаҳрамонлари образларини гавдалантиришда режиссёр Музаффархон Эркинов 200 дан ортиқ актёrlарни фотосинов ўтказди “Махтумқули” фильмдаги бош қаҳрамон Махтумқули образини туркман актёри Аҳмет Амандурдиев гавдалантиrmокда. (Маълумот учун Туркман актёри 2023-йил “Куркут Ата” III Халқаро турк дунёси кинофестивалида “Қизил олма” мелодрамасидаги роли учун “Энг яхши актёр” номинациясини олган.) Давлатмамат Озодий, Менгли, Мақсуд, Бобомуслим, Равнақ, Хайдар, Шомий, Раҳимбий ролларига икки ҳалқнинг севимли актёrlари Чори Бердиев, Лола Розиева, Аннадурди Ташлиев, Расулхон Қодирхонов, Матёқуб Матчонов, Боир Холмирзаев, Элбек Файзиев, Сирожиддин Сатторов, Ҳамза Рустамзода асосий қаҳрамонлар образига танлаб олинди. Съёмка жараёнида туркман ва ўзбек актёrlари ўзаро дўстлик ришталарини боғлаб, тажриба алмашилди.





Фильмнинг ижодий жамоаси туркман халқи томонидан жуда катта тайёргарлик билан қарши олинди ва жамоа тасвирга олиш кунларида қардош халқнинг меҳмондўст, самимий ва илиқ муносабатини хис қилди. Туркманистанда суратга олиш ишлари Ахал вилаятининг Оқ Буғдай этраги ва Гуриховдан шаҳарчасининг гўзал жойларида бўлиб ўтди

Ижодий жамоа “Ўзбекфильм” киностудияси павильонида Бухоронинг Кўкалдош мадрасасини яратиш борасидаги тайёргарлик ишларини тугатиб, талабалар хужралари ва Бухородаги Амир Раҳимбий саройини қуриш ҳамда давр муҳитини яратишдаги кичик деталларгача алоҳида ёндашилди.

“Махтумкули” фильмини тасвирга олиш жараёнлари бир неча ой давомида “Ўзбекфильм” киностудияси павильонида Музafferхон Эркинов томонидан тарихий муҳит яратишга жалб этилган ўз касбининг маҳоратли усталари ижодий жамоалари катта шиҷоат билан иш олиб борди. Шунингдек, Ўзбекистон санъат ва маданият институти, кино ва телевидение режиссёrlиги йўналиши 4-курс битириувчиларидан иборат бўлажак ёш режиссёrlар (Абдурасулова X., Музafferова С., Хажибаев З., Норқулов А. ҳамда Бобосолиев М.) устоз-шогирд



анъаналарини давом этириб, катта маҳорат мактабида билим ва тажрибаларини оширилар.



Профессионал устоз ва ёш актёрлар ҳамда 500 дан ортиқ массовкалар иштирокида давом этган Бухоро ва Хива бозор сахналари съёмка жараёнлари ниҳоясига етиб, фильмнинг монтаж ва овозлаштириш ишлари бошланди.

Шу йилнинг октябрь ойида премьераси кутилаётган “Махтумқули” бадиий фильмни, икки халқ ўртасидаги ҳамкорликда фильмлар яратиш анъанасини давом этишига замин яратсак ажабмас. Бинобарин, ҳамкорликда яратиладиган фильмлар икки халқ ўртасидаги ўзаро билим, тажриба алмашинуви, маданият ва санъат уйғунлигини ҳамда анъаналар ва қадриятлар давомийлиги, ҳамдўстликни янада барқарор бўлишида жуда муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Тафаккур тухфалари- Махтумқули ҳикматлар// Тошкент “Ўзбекистон”- 2013
2. Кинематография агентлиги Ахборот хизмати-расмий сайти
3. Кун.уз сайти
4. Ҳудуд24.уз – расмий канали



5. Миллий киноматографияни ривожлантириш маркази расмий саҳифаси
6. Туркменпортал.com расмий сайти
7. Википедия.org сайти
8. Lex.uz сайти